

АМИР ТЕМУР БИЛАН ТЎХТАМИШХОН МУҲОРАБАСИНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Улуғбек Артыкбаевич Абдуллаев

Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти,
тарих фанлари номзоди

АННОТАЦИЯ

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари тарихида Олтин Ўрда хонлиги билан бўлган муҳорабалар алоҳида ўрин эгаллайди. Амир Темур кучайиб бораётган Олтин Ўрда хонлиги ўз мамлакатига жиддий хавф солишини яхши тушунган. У очиқдан-очиқ хиёнат йўлига ўтган Тўхтамиш билан уч марта ҳарбий тўқнашувда бўлиб, уни бутунлай тор-мор этади. Аслини олганда, Олтин Ўрда хонлигини забт этиши унинг мўлжалида йўқ эди. Аммо у келажакда Оқ Ўрда ва Олтин Ўрда бирлашиб кетса, ўртага чиқадиган кучли давлат ўзи учун ниҳоятда хавфли бўлишини яхши англарди. Шунинг учун мазкур ҳудудда ўзига садоқатли ҳукмдорни хон кўтариб, уни итоатда сақлаш воситасида ўз мамлакатига шимолдан бўладиган хавфни бартараф этишни режалаштирганди.

Калит сўзлар: Яқин Шарқ, Олтин Ўрда хонлиги, “уч йиллик юриш”, Қундузча жанги, Терек дарёси бўйидаги жанг, “Европа халоскори”.

ИСТОРИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ БИТВЫ АМИРА ТЕМУРА И ТОХТАМЫШХАНА

Улуғбек Артыкбаевич Абдуллаев

Доцент Ташкентского государственного университета востоковедения,
кандидат исторических наук

АННОТАЦИЯ

В истории военных походов Амира Темура сражения Золотоордынского ханства занимают особое место. Амир Темура прекрасно понимал, что растущее Золотоордынское ханство представляет серьезную угрозу для его страны. Темура прежде совершил военные походы против Тохтамышхана, который открыто предал его, полностью сокрушив. На самом деле завоевание Золотоордынского ханства не входило в его намерения. Но он прекрасно понимал, что если Белая Орда и Золотая Орда сольются в будущем, то возникшее могучее государство будет для него крайне опасным. Поэтому он

планировал устранить угрозу с севера для своей страны, воспитав в регионе лояльного правителя и держа его в повиновении.

Ключевые слова: Ближний Восток, Золотая Орда, «Трехлетний поход», Кундузская битва, Битва на Тереке, «Спаситель Европы».

HISTORICAL SIGNIFICANCE OF THE BATTLE OF AMIR TEMUR AND TOKHTAMYSHKhan

Ulugbek Artykbayevich Abdullayev

Associate Professor, Tashkent State University of Oriental Studies,
Candidate of Historical Sciences

ABSTRACT

In the history of Amir Temur's military campaigns, the battles of the Golden Horde khanate have a special place. Amir Temur was well aware that the growing Golden Horde khanate posed a serious threat to his country. He has been in three military confrontations with Stop, who has openly betrayed him, completely crushing him. In fact, the conquest of the Golden Horde khanate was not his intention. But he was well aware that if the White Horde and the Golden Horde merged in the future, the powerful state that emerged would be extremely dangerous for him. Therefore, he planned to eliminate the threat from the north to his country by raising a loyal ruler in the region and keeping him in obedience.

Keywords: Middle East, Golden Horde, “Three-Year March”, The Battle of Kunduzcha, The Battle of the Terek, “The Savior of Europe”.

КИРИШ (INTRODUCTION)

Амир Темур Яқин Шарқда ҳаракат қилар экан, ҳар доим Мовароуннаҳр учун ҳам, айни замонда янги забт этилган Озарбайжон ва Эрон учун ҳам Шимолдаги қудратли Олтин Ўрда хонлиги катта хавф солиб туришини яхши билар эди. Айниқса, ёш, жангари хон Тўхтамиш очикдан-очик улуғ давлатчилик сиёсати юргизиб, Соҳибқироннинг ҳарбий-сиёсий рақиблари билан бирлашишга интила бошлагани ва «Мудофаа иттифоқи»га қўшилиб орқадан зарба беришга тайёргарлик кўраётгани туфайли бу хавф кучайиб кетганди. Бу айёр рақибни бартараф этмасдан туриб, Яқин Шарқ сиёсатида муваффақият қозониш қийин эди. Шунинг учун ҳам мазкур давр воқеаларини таҳлил этганда «Олтин Ўрда тугуни» ҳақида қисқача бўлса-да тўхталиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, 1386–88 йиллардаги “уч йиллик юриш” пайтида Озарбайжон ва Форс вилоятлари қайтадан эгалланади. Аслида бу юришга ҳам маълум сиёсий шарт-шароитлар сабаб бўлганини кўрамыз. Амир Темур 1383 йилда Султониядан орқага қайтиб, Самарқандга келади. Соҳибқироннинг йўқлигидан фойдаланган Тўхтамиш ўз ҳомийсига вафосизлик қилиб, Дарбанд орқали 90 минг кўшин билан Табризга бостириб киради. Тўхтамишнинг бу қалтис ҳаракати Олтин Ўрда билан мамлуклар ўртасида азалдан мавжуд бўлган ҳарбий-сиёсий режани бажариш йўлидаги жиддий қадам эди. Табриз шаҳри ҳамда Озарбайжондаги бошқа кўплаб шаҳарлар талон-тарож этилади¹. Бу ҳақда Низомиддин Шомий шундай ёзади: “Подшоҳ Тўхтамиш нолайиқ хатти-ҳаракат қилиб, тўққиз туманга яқин катта лашкарларни Табризни забт этиш учун жўнатди. Ул аскарларнинг кўпи динсиз кофирлар эди. Улар киш фаслида Табризга етиб келдилар ва шаҳар атрофини ўраб олдилар... Охир-оқибат, макру хийла ҳамда кофирлар лашкарларининг шавкату-қуввати билан ғолиб келдилар. Шаҳарни талон-тарож қилдилар. Жабру жафо ва бузғунчилик чегарасига неки сиғса, барини ишга солдилар... Неча йиллар мобайнида шундай бир шаҳарда тўпланган мол-мулк, нафису қимматбаҳо буюмлар ва захиралардан ўн кун ичида бирор асар қолдирмадилар”². Шарафиддин Али Яздий ҳам бу маълумотларни тасдиқлайди.

Амир Темур яна кўшинини отлантиришга мажбур бўлади. Юқорида айтганимиздек, Тўхтамишнинг асл мақсади Эронни бутунлай забт этиш бўлиб, фақат қулай фурсатни қутаётган эди. У Соҳибқирон кўшини билан жанг қила олмаслигига кўзи етиб орқага қочади. Амир Темур “уч йиллик юриш” жараёнида Тўхтамиш армияси қудратини синдиради. “Амир Темурнинг Эронга бу юриши ва кейинги юришлари Тўхтамишнинг Эронга шимолдан келишида ўзига яраша тўсиқ бўлади. Моҳиятан, Амир Темур Эронни янги татар-мўғул истилосидан сақлади”³.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ (LITERATURE REVIEW)

Жаҳон тарих фани ва бадиий адабиётида Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар ниҳоятда кўп. Булар орасида Гиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Фасих Ҳавофий, Абдурраззоқ Самарқандий, Ҳофиз Аббас, И. Шильтбергер, архиепископ Иоанн,

¹ Амир Темур жаҳон тарихида. – Б. 52.

² Шомий. Зафарнома. – Б. 132.

³ Амир Темур жаҳон тарихида. – Б. 52.

Руи Гонсалес де Клавихо, Шарифхон Бидлисий, Ибн Ҳажар ал-Аскалоний, Ал-Макризий, Ибн Тағриберди, Ибн Қози Шубҳа, Ибн ал-Фурот⁴ ва бошқа қимматли тарихий манбаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ҳ.Вамбери, В.В. Бартольд, А.М. Беленицкий, Л.Н.Гумилёв, Б.Д. Греков, М.И. Иванин, Л. Кэрен, И.П. Петрушевский, Х. Хуккем, А.Ю. Якубовский⁵ ва бошқа Россия ва Европа олимлари ҳам Амир Темур фаолиятига доир кўплаб илмий асарлар ёзганлар. Улар биз тадқиқ этаётган мавзуни ёритиш учун қимматли манбалар бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек олимларидан М.А. Абдураимов, Д.Абиджанова, А. Аҳмедов, Б.А. Аҳмедов, Ҳ.Бобобеков, О. Бўриев, А. Муҳаммаджонов, Б. Маннонов, И.М. Мўминов, У. Уватов, И.И.Умняков, Д.Ю. Юсупова, А. Ўринбоев, Ш.Ўлжаева ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам Амир Темур ва темурийлар даврига доир муаммолар, дипломатик муносабатлар талқини ўз ифодасини топган⁶. Ўзбекистонда Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан мазкур мавзуга дахлдор бир қанча салмоқли мақолалар эълон қилинди⁷.

⁴ Гиясиддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. Пер. с персидского, предис. и примеч. А. А. Семёнова. – М., 1958; Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Ю. Ҳакимжонов таржимаси. Нашрга тайёрловчи А. Ўринбоев – Т., 1996; Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Таржимон Муҳаммад Али Бухорий. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Ашраф Аҳмад, Хайдарбек Бобобеков – Т., 1997; Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари. Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У. Уватов. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. 1 жилд. – Т., 1992; 2 жилд – Т., 1992; Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи. Пер., предисл., примеч. и указатели Д.Ю. Юсуповой. – Т., 1980; Ўринбоев А. Абдурразок Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. Т., 1960; Абдурразок Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев – Т., 1969; Асар 2007-2008 йилларда 2 жилдда қайта нашр этилди; Ҳофизи Аbru. Низомиддин Шомийнинг «Зафарномаи Шомий» асарига илова (Шомийнинг «Зафарнома» асари охирида. Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи О. Бўриев). – Т., 1996. – Б. 380-404; Шильтбергер И. Путешествие Иоганна Шильтбергера по Европе, Азии и Африке с 1394 г. по 1427 г. / Пер. с нем., предисл. и примеч. Ф. Бруна // Отв. ред. Б. Ахмедов – Т., 1997. –С.237; Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. Француз тилидан У.Жўраев, Б.Эрматов таржимаси. Т., 2007; Шарифхон Бидлиси. Шараф-наме. Пер. с персидского, предисл. и примеч. Е. И. Васильевой – М., 1976.

⁵ Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи. Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1990. – Б.30-57; Бартольд В.В. (Тимур и Тимуриды). Раздел VI «История Туркестана». Соч., Т.2, ч.1. М., 1963. – С.731-746.; Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. "Средневековый город Средней Азии". М.: Наука, 1973; Гумилев Л.Н. Древняя Русь и Великая степь». — Астрель, АСТ, 2004.; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Олтин Ўрданинг қулаши. Т.: Ўзданашир, 1956. – Б.223-366; Иванин М.И. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и средне-азиатских народов при Чингис-хане и Тамерлане. С.Петербург, 1875. – С.252; Люсьен Кэрэн. Амир Темур салтанати. Тошкент. “Ўзбекистон” 1999. - Б. 6-222; Петрушевский И.П. Иран под властью Тимура и Тимуридов // История Ирана. М., “Наука” 1977. С. 160-164.; Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. – Ташкент, 1995, - С.314; Якубовский А.Ю. Тимур. //Тамерлан: Эпоха, личность, деяния. – М., 1992.

⁶ Абдураимов М.А. Темур ва Тўхтамиш. Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б.6-70; Абиджанова Д. Мавераннахр эпоха правления Амира Тимура в англоязычной историографии 60-90-х годов XX в. /Автореф. дис.канд.ист.наук, Ташкент, 2000. – Б. 27; Ахмедов Б. Соҳибқирон Темур (ўзбек, рус ва инглиз тилларида). Тошкент, 1996.; Б.Ахмедов Амир Темур. Т.: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. Т.: 1995. – Б.637; Ахмедов А. Бобобеков Ҳ. Амир Темур Кўрагон қиссаси. Т.: Фан, 2004. – Б.270; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 8-133.; Маннонов Б. Амир Темур дипломатияси. // “Шарқшунослик”, 1996, Б. 10-37; Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т.: Фан, 1968. – Б. 14-56.; Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. Тошкент, “Шарқ” НМК, 1997. Б. 7-149.; Умняков И.И. Внешнеполитические связи Самарканда с государствами Западной Европы

МУҲОКАМА (DISCUSSION)

Тўхтамиш сиёсатида Кавказорти, жумладан Жанубий Озарбайжон ва Эронни эгаллаб, бу ҳудудда мустаҳкамланиб олгач, жанубдан ҳам Мовароуннаҳрга таҳдид солиш режаси мавжуд эди. Муҳим савдо йўли устида жойлашган мазкур ўлкалар ҳам иқтисодий, ҳарбий-стратегик жиҳатдан катта аҳамиятга эга эди. Тўхтамиш бу ҳудудларни қўлга киритса, Мамлуклар давлати билан бирга бутун Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқда ҳукмрон бўлиб қоларди. Шунинг учун ҳам у пухта тайёргарлик кўриб, катта қўшин тўплаган ва Дарбанд дарасини мустаҳкам қароргоҳга айлантирган эди⁸.

Кўрамизки, Амир Темур кучайиб бораётган Олтин Ўрда хонлиги ўз мамлакатига жиддий хавф солишини яхши тушунган. У очикдан-очик хиёнат йўлига ўтган Тўхтамиш билан уч марта ҳарбий тўқнашувда бўлиб, уни бутунлай тор-мор этади⁹. Аслини олганда, Олтин Ўрда хонлигини забт этиш унинг мўлжалида йўқ эди. Аммо у келажакда Оқ Ўрда ва Олтин Ўрда бирлашиб кетса, ўртага чиқадиган кучли давлат ўзи учун ниҳоятда хавфли бўлишини яхши англади¹⁰. Шунинг учун мазкур ҳудудда ўзига садоқатли ҳукмдорни хон кўтариб, уни итоатда сақлаш воситасида ўз мамлакатига шимолдан бўладиган хавфни бартараф этишни режалаштирганди. Пухта ўйланган сиёсий режага мувофиқ у 1376 йилда бошпана сўраб келган Тўйхўжа ўғлоннинг ўғли шахзода Тўхтамишни тарбиялайди, унга ҳарбий мадад бериб, уч марта Олтин Ўрда тахтини эгаллаш учун юборади.

Тўхтамиш очик курашларда рақибларидан енгилиб, ҳар гал зўрға қочиб кутулади. Ниҳоят, Ўрусхон вафот этгач, ўрнига ўғли Тўктақия ўтиради, бироқ қисқа вақт ўтгач, у ҳам ўлдирилади, тахтни Темур Малик ўғлон эгаллайди. Ичкилик ва маишатга берилган бу шахзода обрўсини йўқотиб, тахтда узоқ ўтиролмайди. Фурсат етилганини сезган Амир Темур Тўхтамишни 1378 йилда тўртинчи марта Оқ Ўрда устига юборади. Бу сафар у Сохибқироннинг мадади

// История Самарканда. Т. 1. “Фан” 1969. С. 173-195.; Юсупова Д. Мужмал-и Фасихи Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ тарихи ва маданий тарихига оид манба сифатида. /Номзодлик диссертацияси. Т. 1974.; Улжаева Ш. Историография эпохи Амира Тимура и тимуридов в 50-60-х годов XX века. Автореф. канд.дис. Ташкент, 1999, С. 27.

⁷ Қаранг: Бўриев О. Амир Темур даврида Мовароуннаҳр ва Мўғулистон муносабатлари; Каримова Н. Темурийлар билан Хитой алоқалари. Уватов У. Амир Темур ва Мамлуклар. Ғуломов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари. Азамат Зиё. Амир Темур ва Туғлуқ Темур. – Б. 10-88. “Шарқшунослик” тўплами. – № 7. – Тошкент, 1996.

⁸ Ахмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. – Т., 1999. – С. 243.

⁹ Шомий. Зафарнома. – Б. 132.

¹⁰ Олтин Ўрда давлатининг тарихи ҳамда Амир Темур ва Тўхтамиш муносабатлари Б.Д. Греков, А.Ю. Якубовскийларнинг «Олтин Ўрда ва унинг парчаланиши» (Т.: , Ўздавнашр, 1956), М.А. Абдураимовнинг «Темур ва Тўхтамиш» асарларида батафсил ёритилган.

билан зафар қозониб, Олтин Ўрда тахтини эгаллайди, Волга бўйларидаги шаҳарларни ҳам қўлга киритади ва Мамайни енгиб, амалда Оқ Ўрда билан Олтин Ўрдани бирлаштирган кучли давлатга эга бўлади. У 1382 йилда Москвага бостириб борди, рус князликлари унга тобелигини изҳор этдилар. Ғарбдаги кучли Литва князлиги энди у билан ҳисоблашишга мажбур бўлиб қолди. Ғалабалардан боши айланиб кетган Тўхтамиш энди собиқ ҳомийси Амир Темурни менсимай қўйди. У 1383 йилда Хоразмда ўз номига танга зарб қилдиради.

Бу пайтда Амир Темур Шимолий Эронни фатҳ этиб, Озарбайжонни қўлга киритишга интиломқда эди. Юқорида айтилганидек, бир вақтлар элхонийлар қўлида бўлган бу ҳудудларга Соҳибқироннинг даъвогар бўлиши табиий эди. Айни замонда чингизийлардан бўлган ва тобора кучайиб бораётган Тўхтамиш ҳам бу ўлкани тасарруфига олишга қаттиқ уринарди. Шундай қилиб, бу бой ўлка тарафлар ўртасида низоли масалага айланиб борди. Тўхтамиш энди Соҳибқироннинг режаларига ошқора қарши чиқа бошлади. У ўз аҳдини бузиб, Амир Темур Самарқандга қайтган вақтда 1385–86 йилларда Дарбанд ва Ширвон ўлкасидан ўтиб, Табризга босқин қилди, катта бойлик – 250 туман олтин олганига қарамай, шаҳар ва қишлоқларни талади.

Бу пайтда Яқин Шарқ ва Кавказда мураккаб сиёсий вазият вужудга келган эди. Амир Темурнинг кучайиб бораётгани ва кучли марказлашган давлат барпо этаётгани Миср мамлуклари, Усмонли турклари, Қайсари–Сивас ҳукмдори Қози Бурхониддин ҳамда омонат тахти лиқиллаб қолган жалойирлар ҳокими Султон Аҳмад ва Қора Юсуф туркманларни ҳам бирдек безовта қила бошлаганди. Мана шу қалтис вазиятда Тўхтамиш Амир Темурга қарши биргаллашиб ҳаракат қилиш мақсадида Қоҳирага 1385 йил январда элчилар юборгани маълум. Бу элчилар иззат-икром билан кутиб олинган. «Элчиликдан кўзланган мақсад эса Амир Темурга қарши Султон Барқукни иттифоққа тортиш бўлганига шубҳа қилмаса бўлади. Зеро, биринчидан, Олтин Ўрда ва Миср мамлакатлари Озарбайжондан шарқ ва жанубда мужассамлашган кучларга қарши эскидан иттифоқдош бўлиб келганлар. Чунончи, Эрон, Озарбайжон, Ироқни ўз тасарруфида тутган ҳалокуийлар замонида бу икки тараф манфаатлари ўзаро борди-келди қилишни тақозо этганди. Олтин Ўрда, юқорида айтилганидек, Озарбайжонга интиларди. Мисрга эса ҳалокуийларнинг ғарбга қараб, яъни мамлуклар таъсир доирасидаги ҳудудлар томон ҳаракатларини бартараф қилиш муҳим эди... Ўз хатларида Миср султони Олтин Ўрдани Кавказ орқали Озарбайжон ва Эронга қарши юришга гиж-гижлаб бу масалада

ўзи кўмакдош бўлишини таъкидлаган. Иккинчидан эса, Миср ҳукмдорлари (мамлуклар) Амир Темурнинг ғарбга қараб силжиб боришидан манфаатдор эмасдилар ва бу ҳол уларнинг Тўхтамишхон билан иттифоққа киришлари учун етарли асос бўла олади»¹¹. Хуллас, бу далил Тўхтамиш Амир Темурга қарши урушга зимдан тайёргарлик кўраётганидан далолат беради. Мавжуд шароитда Амир Темур Озарбайжон ва Кавказда мустаҳкамланиб олгандан кейингина бошқа рақиблар, жумладан Тўхтамиш билан ҳисоблашиши мумкинлигини яхши англаб етди. Тўхтамиш эса, вазиятдан фойдаланиб, Амир Темур кучайиб кетишидан аввал урушга кириб, унга зарба бермоқчи эди¹².

1386–87 йилнинг қишида Амир Темур билан Тўхтамиш қўшини Самур дарёси бўйида юзма-юз тўқнашди. Соҳибқирон ўз амирларига жангга кирмасликни буюрганига қарамай, қисқа муҳораба бўлди. Мироншоҳ бошчилигидаги қўшин жангга киргач, Тўхтамиш енгилди, орқага чекинди. Аммо бу мағлубият унга сабоқ бўлмади.

Қишни Қорабоғда ўтказган Амир Темур Шарқий Анатолия ва Ван кўли атрофларида ҳукм юритаётган Қорақўюнли Қора Юсуф устига юриш бошлади. Бу ҳукмдор қароқчиликни авж олдириб, Муқаддас ҳаж зиёратчилари ва савдо карвонларига талафот етказиб, катта норозиликлар туғдираётгани ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Туркманлар чекинишди. Амир Темур яна Эронга қайтди. Кавказда мағлубиятга учраган Тўхтамиш, Соҳибқирон Эрондалигидан фойдаланиб, 1387 йилда Мовароуннаҳр сарҳадларига қараб яна кўшин тортди. Сигноқдан ўтиб, Саброн шаҳрига келди. Ахсикентдан етиб келган Умаршайх кўшини билан Ўтрор атрофида қаттиқ жанг бўлди. Умаршайх енгилди. Энди Мовароуннаҳрда Тўхтамишга қарши тура оладиган куч йўқ эди. У кўп шаҳар ва қишлоқларни талаб Бухорогача борди, аммо шаҳарни эгаллай олмади.

Хоразм ҳокими Сулаймон сўфи ҳам Амир Темурга қарши исён кўтарди. Саркарда зудлик билан Мовароуннаҳрга қайтиб, ташаббусни қўлга олишга мажбур бўлди. Сулаймон сўфи қочиб Тўхтамиш ҳузуридан бошпана топди.

Вужудга келган сиёсий вазият Тўхтамишни тийиб қўйишни тақозо этарди. Амир Темурнинг Эрон, Озарбайжон ва Яқин Шарқдаги сиёсий фаолиятига Тўхтамиш асосий тўсиққа айланиб қолган эди. У ҳам зўр ғайрат кўрсатиб, катта қўшин тўплаганди. Аскарлари орасида турк ва мўғуллардан бошқа, рус, черкас,

¹¹ Зиё Азамат. Кўрсатилган асар. – Б. 224-225; Амин ал-Холи. Кўрсатилган асар. – С. 15; Зокиров С. Дипломатические отношения Золотой Орды с Египетом. – Т., 1966. – С. 93-94.

¹² Исмоил Ака. – Б. 16-17.

алан, мукша, бошқирд, қрим сингари турли қабила, элатларнинг вакиллари бор эди. Эртами-кечми шиддатли тўқнашув бўлиши муқаррар бўлиб қолганди.

1390 йилнинг кузида Дашти Қипчоққа қараб отланган Амир Темур ҳузурига Тўхтамиш узр сўраб ўз элчиларини юборади. Ёш хоннинг сўзлари ҳийла эканини яхши билган Соҳибқирон элчиларни сийлаб яхши қабул қилганига қарамай, энди кеч бўлганини, юришни тўхтатиш нияти йўқлигини очиқ айтади. Яздийнинг ёзишича, Амир Темур элчиларга шундай жавоб беради: “Ўрусхондан элини олиб, анга бериб, подшоҳлик тахтида ани ўтурғузуб, Жўжи улусида хон қилдурдум. Агарчи худойи таоло анга берди, аммо мен сабаб бўлдим. Ва ул менга ўғулдек эрди ва мен анго отодек.

Эмдиким давлатқа етти ва азимат ва шавкат пайдо қилди, ул ҳақларини унутиб, биз Эрон вилоятига борғанда, келиб бизнинг вилоятимизни чошиб, мусулмонларга ташвиш бериб турур...

Бас! Андин неча қатла ямон ишлар воқиф бўлди. Эмди анинг сўзига ишонса бўлмас, ва бу юришдин қайтмасбиз ва анинг сори борурбиз. Кўргайбизким, Тангри таборак ва таоло кимга нусрат берур”¹³.

Мазкур ҳарбий юришда Амир Темур биринчи марта ўз лашкарларини шу пайтгача қўлланмаган “етти қўл” тартибида тузди. Яздий бу ҳақда шундай ёзади: “Ҳазрат ўзи юриб, черикни етти қўл тортиб эттиким, хануз ҳеч подшоҳ андоқ қилмайдур эрди ва эшитмайдур эрди. Ва бу етти ададда ҳосият кўп турур ва кўп сир анда бор эрдиким, сабъ ул-масаниннинг воқифлари андин хабардор эрдилар”¹⁴.

1391 йил 18 июн куни Қундузча (ҳозирги Самара билан Чистополь оралиғидаги Кундурча шаҳарчаси) мавзеида юз берган тўқнашувда сон жиҳатдан кўп бўлган Тўхтамиш қўшини тор-мор этилади. Хоннинг ўзи зўрға қочиб қутилади. Бу жанг ҳақида илмий манбаларда кўп ёзилгани учун барча тафсилотларга тўхталиб ўтирмаймиз.

Амир Темур лашкари орқага қайтгандан кейин кўп ўтмай Тўхтамиш ўзини ўнглаб олади, яна катта қўшин тўплаб, муҳолифатни давом эттира бошлайди. Соҳибқироннинг 1392–93 йиллардаги сафари чоғида тахликага тушиб қолган Миср мамлуклари билан Тўхтамишнинг 1394–1395 йилларда алоқа боғлаши ҳарбий вазиятни янада таранглаштиради. Амир Темур Гуржистонда эканлигида, уруш учун тинмай баҳона ахтараётган Тўхтамиш Дарбанддан ўтиб, Ширвон худудларига бостириб киради. Тадбиркор ва ниҳоятда бағри кенг Соҳибқирон

¹³ Яздий. Ўша асар. – Б. 130.

¹⁴ Шу ерда. – Б. 137. «Сабъ ул-масанин» – куръоний ибора («икки жуфтлардан еттита»).

бу гал шошилмасдан, дастлаб Шамсиддин Олмаликийни элчи қилиб Тўхтамишхон хузурига юборади, унга аввалги ота-ўғиллик ҳурматини эслатиб, ҳарбий ҳаракатлардан тийилишга давъат этади¹⁵. Айни замонда турли дипломатик воситалар ишга солинади. Дашти Қипчоқнинг эл-улусига ушбу мазмунда мактублар (ёрлиқлар) юборилади. Кимки менга келиб кўшилса улуғланади, кимки мен билан курашмоқчи бўлса йиқилади»¹⁶, деб ёзилади «Тузуклар»да бу ҳақда. Аммо хон беклари таъсирида Амир Темурга номуносиб жавоб ёзиб, элчини қайтаради. Уруш бошланиши учун шу баҳонанинг ўзи етарли эди. 1395 йил 15 апрелда Терек дарёси бўйидаги оғир жангда Тўхтамиш кўшини тўла тор-мор этилади. Бу мағлубиятдан кейин хонлик тахтини қайта эгаллаш унга насиб этмайди.

НАТИЖАЛАР (RESULTS)

Шу ўринда бу жанг манзаралари тасвирланган айрим тарихий асарларда ҳақиқат ва афсона унсурлари қоришиб кетган ўринлар ҳам учрашини айтиб ўтиш керак. Масалан, XVII аср турк сайёҳи Эвлия Челебий «Саёҳатнома» («Книга путешествия») асарида бу муҳораба юз йил аввалга кўчирилиб баён қилинади ва тарихий воқеалар ҳамда тарихий шахслар нотўғри кўрсатилади. «А могучий Тимур-хан из уважения к Узбек-хану прибыл из Мавераннахра с войском три раза по сто тысяч, состоящим из народов могол и богол, кайтаков, лезгинов, тюрков, туркмен и чагатайцев. Близ города Сарая – исходной точки выступления Тохтамыш-хана – оба враждебных войска сошлись и столкнулись. С обеих сторон было выпущено много сотен тысяч стрел – вершителей судеб, исполнилось воля всевышнего творца, и Тохтамыш-хан был обращен в бегство. Он прошел сквозь зубы мечей, стрел и луков двухсот тысяч воинов и в конце концов утонул в реке Волге...»

Впоследствии Тимур-хан отправился с Узбек-ханом в Крым, и первый милостиво вручил Крым под власть Узбек-хана, который начал отстраивать страну. Что же касается Тимур-хана, то он, переправившись через реку Днепр, разграбил и опустошил страны неверных: Польшу, Краков, Москву, затем через Дашт-и Кыпчак благополучно с добычей отправился в Мавераннахр»¹⁷. Кўрамизки бу маълумотлар тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди.

¹⁵ Шомий. Ўша асар. – Б. 209; Яздий. Ўша асар. – Б. 173.

¹⁶ Темур тузуклари. – Б. 58-59; Яздий. Ўша асар. – Б. 173.

¹⁷ Эвлия Челеби. Книга путешествия. Выпуск 2. – М.: Наука, 1979. – С. 142-143.

Бир вақтлар ўз қудрати билан бутун Россияни зир титратиб, ўзига тобе қилиб турган хонлик Амир Темурнинг сўнгги зарбасидан кейин ўз мавқеини йўқотиб, иккинчи даражали кучсиз давлатга айланиб қолади.

“Бу сафар Олтин Ўрда тиз чўқди, – деб ёзади француз тадқиқотчиси Л. Кэрэн. – Шундан сўнг у ҳеч ўнганмади: Амир Темур даҳшатли Иванга йўл очиб берди.

Ўрданинг заифлашганидан фойдаланган мўғулларнинг эски тобелари – рус князликлари кўп ўтмай озодликка эришдилар ва бўлажак рус империясининг пойдеворини қўйдилар. Агар Амир Темур Ўрдани тугатмаганида, турган гапки, руслар ўз мустақилликларини яна юз йиллаб кутган бўлардилар”¹⁸.

Аммо бу улуғвор ҳодиса Россия олимлари томонидан узоқ йиллардан бери муносиб баҳосини олмай келмоқда. Бугунги мустақил Россия матбуотида 1380 йилда бўлиб ўтган Куликово жанги рус халқининг буюк ғалабаси сифатида тез тез тилга олиниб кенг тарғиб қилинмоқда. Аммо ана шу улкан ғалабадан 2 йил ўтгач, яъни 1382 йилда Тўхтамишхон томонидан рус князликлари қайта тобе қилингани, мўғул истибдоди тикланиб яна узоқ йилларгача давом этгани ва унга Амир Темурнинг юқорида аён этилган порлоқ ғалабаси туфайли чек қўйилани ҳақида негадир сукут сақлаш маъқул кўрилмоқда. Ҳолбуки соҳибқироннинг Тўхтамишхонни узил кесил мағлуб этгани ва Олтин Ўрдани заифлаштиргани Россия халқлари тақдирида катта бурилиш нуқтаси бўлганини очиқ эътироф этиш зарур. Бу тарихий адолат тақозосидир. Шу ўринда ёш рус тарихчиси Михаил Арнольдов “Наука и жизнь” журналининг 2004 йил 4-сонида босилган “Бир мухораба сири” мақоласида ана шу ҳақиқат мардона эътироф этилгани олис тарихни ҳаққоний ёритиш йўлидаги дадил қадам сифатида баҳоланмоғи лозим. Таниқли ўзбек ёзувчиси Пиримқул Қодиров ўзининг “Амир Темур сиймоси” номли янги асарида бу ҳусусида тўлқинланиб ёзар экан, қуйидаги муҳим кўчирмани келтиради: “Куликово майдонидаги жангдан кейин... юз йил давомида Россия бирон марта ҳам Олтин Ўрда билан йирик тўқнашувга борган эмас. Аммо шу вақт ичида Олтин Ўрданинг ўзи тормор бўлиб тарих саҳнасидан ғойиб бўлди. Бундан чиқдики, бизни кимдир ўзимизнинг иштирокимизсиз озод қилган экан-да? Ким у жўмард? Ким бўларди, айти ўша зот – кўп йиллар ноҳақ қоралаб келинган “буюк ва шафқатсиз” Амир Темур бизни озод қилган. Тўғрироғи, Олтин Ўрда зулмидан озод бўлишимизга олиб келган”¹⁹.

¹⁸ Кэрэн Л. Амир Темур салтанати. – Б. 78.

¹⁹ Қодиров П. Амир Темур сиймоси. Т., “Ўзбекистон”, 2006. Б. 191.

ХУЛОСА (CONCLUSION)

Мазкур ғалаба Амир Темурнинг Яқин Шарқдаги фаолияти, ҳарбий стратегик режаларини амалга ошириш учун ҳам катта имкониятлар туғдирди. Энди у Мовароуннаҳрга Шимол ва Шарқдан ёғиладиган улкан хавфни бутунлай бартараф этиб, ўз фуқаролари эмин–эркин яшашига йўл очиб берди.

Кавказ ва Эрон ҳудудларини эгаллаб Мовароуннаҳрни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан бўғиб ташлаш, яққалантириб қўйиш ва “Мудофаа иттифоқи” кучлари билан биргаликда уни бутунлай тор-мор этишни режалаштирган, ўзининг собиқ ҳомийсига ҳиёнат қилган Тўхтамишнинг хом ҳаёллари амалга олмади. Олтин Ўрда хони бу мағлубиятдан кейин тахтни ҳеч қачон қўлга кирита олмади. Айна замонда Амир Темурнинг порлоқ ғалабаси 200 йил атофида авом этган Миср ва Олтин Ўрда ўртасидаги ҳамкорликка барҳам берди. Европани бўйсундириш учун қаттиқ курашаётган Йилдирим Боязиднинг Олтин Ўрда билан бирлашиб ҳаракат қилиш нияти амалга олмади. Олтин Ўрданинг Яқин Шарққа ва бошқа давлатларга нисбатан бўлажак тажовузларига чек қўйилди. Олтин Ўрда заифлашгач, Яқин ва Ўрта Шарқда Амир Темурга қарши туришга қодир кучли давлат тарих саҳнасига қайта чиқа олмади. Амир Темур буюк саркарда узоқни кўзлаб иш тутадиган доно сиёсатчи эканини амалда тўла исботлаб берди. Ғарбда ҳақли равишда “Европанинг халоскори” деб баҳоланган Амир Темурнинг мўғул истибдодини тугаллашдаги улуғ ҳизматлари инобатга олиб, “Россиянинг ҳам халоскори” деб айтишга ҳар жиҳатдан етарли асослар бор.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Темур тузуклари. Ўзбек, рус, инглиз, француз тилларида. Академик Б.Аҳмедов таҳрири остида. /Форс тилидан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси. Тошкент, “Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1996.
2. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан Ю. Ҳакимжонов таржимаси. Нашрга тайёрловчи А.Ўринбоев. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996.
3. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Таржимон Муҳаммад Али Бухорий. Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Аҳмад, Ҳайдарбек Бобобеков. Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1997.
4. Амир Темур жаҳон тарихида. Париж-Тошкент. “Ўзбекистон”, 1996.
5. Исмоил Ака. Амир Темур салтанати. Тошкент. “Чўлпон”, 1996.
6. Абдураимов М.А. Темур ва Тўхтамиш. Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
7. Аҳмедов Б., Мукминова Р., Пугаченкова Г. Амир Темур. – Т., 1999.

-
8. Қодиров П. Амир Темур сиймоси. Т., “Ўзбекистон”, 2006.
 9. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2001.
 10. Люсьен Кэрэн. Амир Темур салтанати. Тошкент. “Ўзбекистон”, 1999.
 11. Эвлия Челеби. Книга путешествия. Выпуск 2. – М.: Наука, 1979.
 12. Зокиров С. Дипломатические отношения Золотой Орды с Египетом. – Т., 1966.